Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

*1931 йилдан чиқа бошлаган* 1998 йил 17 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 4[illegible] (7040)

*Da'vat*

**Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда» деган бўлардим.**

**Ислом КАРИМОВ**

*Ibrat*

**Йўлдош Охунбобоев номидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб интернати ўқувчиларидан бир гуруҳи қадимий Бухорони айланиб, Баҳовуддин Нақшбанд хоки-пойларини зиёрат қилиб келдилар. Саёҳат билан боғлиқ ҳамма сарф-харажатларни «Ўзбектуризм» миллий компанияси (бошлиғи Б. Ҳусанбоев) хайр-эҳсон сифатида амалга оширди.**

*O'zbekiston qo'shiq bayrami*

# ВАТАН! ФАРЗАНДЛАРИНГ МАДҲ ЭТДИ СЕНИ







СУРАТЛАРДА: Қўшиқлар танловининг очилиши. Анжуман иштирокчилари — Нукус Давлат университети жамоаси (2-ўрин) ва Андижон дастаси хонандаси.

**А. ГЕРАСИМОВ олган суратлар.**

Ватанни, туғилиб ўсган маконни инсон қандай англаши мумкин? Тўғри, кимдир китоб воситасида, кимдир харита билан, яна кимдир кекса боболаримизу момоларимиз пешона ва юзидаги ажинлардан Ватанни англар. Аммо киши азиз Ватанини нафис қўшиқлар, гўзал мусиқий оҳанглар билан ҳам англаши мумкин экан. Буни 11-13 июнь кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ўқув юртлари жамоаларининг «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг якунловчи босқичи исботлади. Биз Наманганни гуллар шаҳри эканлигини яхши билардик. Бу шаҳарга ташриф буюрган ижрочиларни сайроқи булбулга қиёс этсак ва булбулни фақат гулзорларда чаҳ-чаҳ этишини назарда тутсак — гуллар шаҳрида булбуллар байрами бўлиб ўтди.

Алишер Навоий номидаги вилоят театрида мамлакатимизнинг турли вилоят ва шаҳарларидаги ўқув юртларининг деярли барчасидан ташриф буюрган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танловининг ўқув юртлари ғолиблари йиғилишди. Катта тантанани Наманган вилояти ҳокими ўринбосари Иброҳим Юсупов кириш сўзи билан очиб берди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги гуманитар фанлар ва шахс камолоти бош бошқармаси бошлиғи Дўлан Ғаниев ва Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳабибулла Раҳимовлар сўз олиб, мазкур қўшиқлар байрамининг шахс тарбиясидаги аҳамиятига тўхталиб ўтдилар.

Байрам иштирокчилари она-Ватанни мадҳ этувчи, халқларни бирдамликка чақирувчи, инсонларни дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тинчликка даъват этувчи қўшиқлар билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Эрта тонгдан бошланган танлов кечда, намозшом гуллари чирой очиб, раъногуллар шаҳарда янада ўткирроқ ифор таратганида интиҳо топди.

Ўзбекистон қўшиқлар байрамининг иккинчи куни меҳмон ва мезбонлар учун янада ҳаяжонли кун бўлди. Сабаби, шу куни кўрик-танлов ғолиблари эълон қилинди. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг хор жамоаси биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус Давлат университети, Самарқанд Давлат университети, Тошкент Давлат педагогика университети ва Наманган муҳандислик педагогика институти жамоалари иккинчи, Бухоро Давлат университети, Андижон Давлат университети, Тошкент Давлат университети ва Қўқон давлат махсуслаштирилган техника коллежи жамоалари учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Шунингдек, 6 та рағбатлантирувчи ўринларга ҳам ўқув юртларининг энг яхши жамоалари лозим деб топилди.

**(Давоми 4-бетда)**

**● Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бўлиб ўтган Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида жойлардаги бу борада олиб борилаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокама этилиб, келгусида уларни тугатиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.**

**● Қарши шаҳрида БМТ Тараққиёт Дастури, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Конрад Аденауэр номли жамғарма ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан «Демократия ва ҳуқуқий давлат» мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

## JUMLADA JAHON

**● Тошкент шаҳрида спортнинг деярли барча турлари билан шуғулланиш, жумладан 11 минг нафар футбол ишқибозларини сиғдира олиш имкониятига эга бўлган «Жар» спорт мажмуи ишга туширилди.**

**● Ҳиндистон Мудофаа вазирлигининг котиби Ажит Кумар бошчилигидаги делегациянинг Москвага расмий ташрифи бошланди.**

**● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматининг мамлакатда ядро қуроли синовлари ўтказилишига мораторий эълон қилганлигини олқишлаб, бу иккала мамлакатнинг ядро қуроли синовларини ва уларни тарқатишни бутунлай таъқиқловчи Битимга ҳам қўшилажагига ишонч билдирди.**

**● Покистон Бош вазири Навоз Шарифнинг АҚШ, Канада, Буюк Британия, Германия ва Дания мамлакатларига мўлжалланаётган сафаридан асосий мақсад иқтисодий жазо чораларини бошидан ўтказаётган ўз мамлакатига хайрихоҳларни топиш.**

*Bolangizga darslik oldingizmi?*

## ҚАЙСИ КИТОБНИ ЎҚИШ КЕРАК?

Ҳурматли ота-оналар, мана, ҳадемай ёзги таътил ҳам бир зумда ўтиб кетади. Янги ўқув йили ҳам бошланади. Болаларингизга ҳозирданоқ ҳар йилгидек янги мактаб формалари, дафтар, ручкаларни ҳозирлаб қўйган бўлсаларингиз керак. Ҳа, фарзандларингизнинг билим олишига бекамукўст тайёр бўлишини таъминлашни бир дам бўлса-да ёддан чиқармайсизлар деган умиддамиз.

Бу йил сизларга катта масъулият юклаяпти. Хабарингиз бўлса керак, дарсликлар пуллик бўлди. Маълумки, ўқувчи учун ҳамма нарсадан зарур бўлган нарса бу — дарслик китоблари. Дарсликларсиз ўқувчи, қуполроқ бўлса ҳам, қанотсиз қуш билан баробар.

Шуларни инобатга олиб, газетамизнинг иккинчи саҳифасида мактаб ўқувчиларига тавсия этилган дарсликлар рўйхатини эълон қилаяпмиз.

*Tahlil*

## БИТИРУВ АТТЕСТАЦИЯЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Маълумки, бугунги кунда олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим даргоҳларида кириш ва кундалик билимлар синови тест усули асосида ўтказилиб келинмоқда. Сўнгги беш йилда бу усул мактаб ўқувчилари билимини синашда ҳам қўлланила бошланди. Ўқув йили поёнида мамлакатимизнинг илғор мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари катта ҳаётга қадам қўйиш арафасида ялписига замонавий компьютер воситасида тест синовларидан ўтказилдилар. Чиндан ҳам, аввал Тошкент шаҳрида муваффақиятли синалган ушбу замонавий аттестация усулига бу йил республика мактабларида қизиқиш катта бўлди. Масалан, ўтган ўқув йили тест синовларини компьютер орқали 650 та мактаб ўтказган бўлса, бу йил 1300 та мактабга тест дискетлари тарқатилди. Имконият доирасида 9-синф битирувчилари ҳам рус тили, тарих, ўзбек тилидан рус мактабларида компьютерларда топширганлар. Тошкент шаҳри, Қибрай туманида юз фоиз, яъни она тили ва математика ёзма аттестациядан ташқари рус тили, ўзбек тили рус мактабларида, инглиз, француз, немис, кимё, физика фанларидан ўзига хос битириш синовлари ўтказилди.

Яна бир янгилик. Ўқувчининг барвақт синовларни топшириш ва олий ўқув юртларига кириш учун Давлат тестларига тайёргарлик кўришга кўпроқ имконият яратиш мақсадида пойтахтимиздаги 40, 103, 138-мактабларда бу йил бир йўла икки имтиҳонни рус тили — чет тили ёки кимё—физикани бир кунда, бир компьютерда топшириш тажриба тариқасида синалди...

Агар олий ўқув юртларига киришда ҳам учта фанни бир йўла топширилишини инобатга олсак, бизнингча, мактабданоқ блок усулини қўллавериш даркор. Чунки бу усулнинг афзалликлари Наманган, Тўрақўрғон, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Паркент, Зангиота туманлари, Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларида ўтказилган аттестация синов-

**(Давоми 3-бетда)**

## ҚАЧОН Sh, ҚАЧОН SH ЁЗИЛАДИ? 2-бет

*Qo'shma hay'at yig'ilishida*

## ҲАМКОРЛИКДА ЕЧИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

Баркамол авлод масаласи кун тартибига қўйилгандаёқ, бир гўдакнинг демак жисмоний соғлиги, маънавий тарбияси, касб-ҳунар олиши — ривожланган жамиятнинг етук шахси сифатида шаклланиши учун барча йўналишлар ислоҳотга муҳтожлиги англанган эди. Шу боис, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга ошириш республика ижтимоий тараққиётининг устувор вазифаси, деб белгиланди. Бугун эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига биноан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланди. Нега? Чунки миллий Дастур амалга оширилиши, яъни авлод баркамол бўлиш учун жисмонан соғлом болалар керак. Демак, таълим билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳаси ҳам ислоҳотга эҳтиёжманд. Ислоҳотларнинг муваффақияти эса барча соҳаларнинг ҳамоҳанг ҳаракати билан белгиланади.

Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар ечими бамаслаҳатликда эканлиги таъкидланди. Биринчи масала «Республикада вирусли гепатит билан касаллинишни камайтириш чора-тадбирлари» ҳақида бўлиб, у ҳақда Республика Бош Давлат санитария врачи Бахтиёр Ниёзматов ва халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султоновларнинг ахборотлари эшитилди.

Маълумки ўтган йилнинг сўнгги ойлари ва шу йилнинг бошларида гепатит касали бўйича эпидемик вазият мураккаблашди. Ушбу йил юқумли касаллик асосан Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Тошкент ва Навоий вилоятлари болалари ўртасида кўпайди. Бунга сабаб тоза ичимлик сувининг етишмаслиги ва санитария-техника жиҳозларининг талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Республикада 3035 таълим муассасаларида тоза ичимлик суви етишмайди. 958 та таълим муассасаларида санитария узеллари йўқ. Республика бўйича 15,0% мактабларда синфдаги ўқувчилар сони меъёридан кўп. Кўпгина ўқув муассасаларида тиббий шахобчалар ташкил этилмаган. Энг аянчли маълумот шундан иборат бўлдики, жойлардаги ҳокимиятлар томонидан вирусли гепатит касалликларини олдини олиш учун етарли миқдорда пул маблағи вақтида ажратилмаган. Бу борадаги муаммолар ҳақида олимлар ҳам сўзга чиқдилар.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу йил ҳам касалликнинг кўтарилиши хавфи бор. Жойларда бу хавфнинг олдини олиш учун оддий ўқувчидан бошлаб, ҳокимгача ўз вазифасини англаши ва бажариши талаб этилади. Газетамизнинг келгуси сонларида бу борада таълим муассасаларида бажарилиши лозим бўлган ишларга эътиборни қаратамиз.

Иккинчи масала эса, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида таъкидланган 6-7 ёшдаги болаларни 1-синфга қабул қилиш тартиби ҳақида эди. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев сўзга чиқиб, бу борада халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимларининг болаларни танлашдаги ҳамкорликлари, бу ишнинг давлат миқёсидаги аҳамияти ҳақида тўхталди.

Икки масала юзасидан ҳам тегишли қарор қабул қилинди. Вазифалар белгиланди. Қўшма ҳайъат йиғилишини Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов бошқарди.

**Ҳ. ОМОНОВ**

*Урганчда Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таълим тизимини изчиллик билан ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш борасидаги талаблари асосидаги вазифалар муҳокама қилинди.*

*Вилоят ҳокими И. Юсупов маъруза қилди.*

*Маъруза ва сессия иштирокчиларининг нутқларида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастурни амалга ошириш юзасидан Хоразмда анчагина иш қилингани қайд этилди.*

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ — АМАЛДА

*Лекин таълим тизимида, уни ҳозирги талабларга мувофиқ равишда ислоҳ қилишда ҳали камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Президент Ислом Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қайд этилган камчиликлар Хоразм вилоятининг таълим соҳасида ҳам мавжуд.*

*Шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари, оталиқ ташкилотлари ўқув юртларининг муаммолари билан жиддий шуғулланиши зарур. 1998-2005 йилларда вилоятда 14 та академик лицей ва 135 та касб-ҳунар коллежи ташкил этилиши керак. Уларда замонавий амалиёт ва илм-фаннинг энг илғор жиҳатларини қўллаш лозим бўлади.*

**(ЎзА)**

*Faxr*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ўтказган илк танловда ғолиб, деб топилган 157 нафар йигит-қиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Япония сингари ривожланган давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларига таҳсил олиш учун жўнаб кетган эди. Айни кунда АҚШ ва Буюк Британия илм масканларида таълим олаётган бир гуруҳ талабалар ёзги таътилни ўтказиш учун юртимизга қайтмоқдалар.*

## ИЛК «ҚАЛДИРҒОЧЛАР» ПАРВОЗИ

*— Тошкент аэропортида уларнинг шодлик тўла чеҳраларини кўриб, тўғриси, мен ҳам ҳаяжонландим, — деди Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 115-мактаб-интернат ўқитувчиси Қурбонали Тўлабоев. — Ахир, бу имкониятларнинг барчаси мустақиллик туфайли бўлаяпти-да...*

*Таътилга келаётган ўғил-қизлар ҳамда фарзандларини кутиб олишга чиққан ота-оналар билан суҳбатлашиш жараёнида ўзгача ғурурни туйдим. Ва яна билимдаги қийин, зарур ва гўзал тушунчаларни авлодларга етказадиган йигит-қизлар сафи келажакда яна ҳам кенгайишини, янги ўқув йилидан бошлаб, юқорида тилга олинган давлатлардан ташқари Италияда ҳам таҳсил олишини эшитиб, қувончимга қувонч қўшилди.*

**Феруза АБДУРАҲИМОВА, ТошДУ талабаси**

## MMM XABARLARI

### *OILA YILIDA SHERQO'ZIYEVLAR OILASI «TIKO»LI BO'LISHDI*

**Har bir oilaning jamiyatda o'z o'rni va ajdodlardan saqlab kelayotgan hunari bor. Yaqinda Jizzax shahrida o'tkazilgan oilaviy ansambllarning ko'rik-tanlovida ham guruhlar o'z chiqishlarida shajaralarining davrlar osha e'zozlab kelishayotgan ma'naviy meroslariga murojaat qilishdi.**

**Tanlovda Qo'qon shahar «Hamza» teatri qoshida tashkil etilgan Sherqo'zievlarning oilaviy ansambli oliy o'rinni qo'lga kiritib, shu o'ringa atalgan «Tiko» avtomobilini olish baxtiga musharraf bo'lishdi.**

**Muxtasarxon KARIMOVA**

### *TARADDUD*

**Yaqinlashib kelayotgan ulug' ayyom, mustaqilligimizning 7 yilligini munosib qarshilash uchun tayyorgarlik ishlari ko'p joylarda hozirdanoq boshlab yuborilgan. Shu sanaga bag'ishlanib yaqinda Andijon shahridagi 2-musiqa maktabida ham To'xtasin Jalilov nomidagi san'at bilim yurti jamoasi konsert berishdi. Unda talabalarning yurtni madh etuvchi chiqishlari sermazmun bo'ldi.**

**Abdulhamid MUXTOROV**

### *MEHR QO'YISHIMIZGA MUNOSIB*

**Buxoro viloyati xalq ijodiyoti ilmiy uslubiyat markazida «Xalq amaliy san'ati bo'yicha havaskorlik to'garaklarini tuzish va rahbarlik qilish usullari» mavzuida ko'rgazmali o'quv mashg'uloti bo'lib o'tdi. Uning qatnashchilari qadim Buxoroning naqqoshlik, ganch o'ymakorlik, miniatyura san'atini rivojlantirish, bu san'at turlariga yoshlarda mehr uyg'otish to'g'risida fikr yuritishdi.**

**Sadbarxon JO'RAYEVA**

### BOBOLARGA SODIQMIZ

**Respublika Nafis san'at litseyida o'tkazilgan «Biznes Ring-shou» bellashuvida yoshlarimizning naqadar topqirligi, bilimdonligi ayon bo'ldi.**

**Unda litseyning «Jahon sultoni» va «Sinior Biznesmen» jamoalari kuch sinashishdi.**

**Bellashuvda «Jahon sultoni» guruhi g'alaba qozonishdi.**

**Jamshid TOSHQULOV**

Kasaba uyushmalari hayotidan

# ШАҲРИСАБЗДА САЙЁР ЙИҒИЛИШ

«1998 йил — Оила йили», Олий Мажлиснинг XI сессиясида қабул қилинган «Оила кодекси»даги оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий кафолатланишини таъминлаш борасидаги тадбирлар ҳамда моддаларнинг тармоқ тизимида амалга оширилиши бўйича таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг вазифалари ва фаолияти» ҳақида республика тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Шаҳрисабз шаҳридаги сайёр пленумида шу қўмита раиси И. Абдуғаниев маъруза билан чиқди.

Таълим муассасалари ходимлари ижтимоий шароитларини яхшилаш борасидаги Президент Фармонларининг бажарилиши юзасидан, жумладан, давлат уйларини хусусийлаштириш бўйича 100 мингдан ортиқ педагог ходимлар таъминланганлар, имтиёзли коммунал хизматидан республика бўйича эса 530 мингдан зиёд ўқитувчилар фойдаланиб келмоқдалар.

Касаба уюшмаси қўмиталари фаолиятидаги асосий кўрсаткичлардан бири Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг бажарилишини назорат этишдир. 1997 йилда тармоқ бўйича 480 та бу йўналишда текшириш ўтказилиб, жойларда меҳнат ҳақидаги қонунлар, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоида-меъёрларининг 3135 марта бузилиши аниқланган. Бу фактлар асосида 34 мансабдор шахс жавобгарликка тортилди: шулардан 20 тасига жарима солинган, 10 таси ишдан четлаштирилган, 4 таси огоҳлантирилган. Профилактик ишларнинг олиб борилишига қарамай, ўтган йил ва жорий йилнинг 1-чорагида 9 бахтсиз ҳодисада 5 ходим, 2 талаба, 4 ўқувчи ҳалок бўлганлар. Марказий қўмитанинг текшируви ва актларига биноан Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги хавфсизлик талабига жавоб бермаганликлари учун 3 та мактаб биноси ишдан тўхтатилган.

Ходимларни, уларнинг оилаларини, талаба ва ўқувчиларни соғломлаштириш, дам олишини ташкил этиш масалалари касаба уюшмасининг доимий диққат марказидадир.

1997 йилда вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг тармоққа қарашли шаҳардан ташқари оромгоҳларда тармоқ ходимларининг 16 мингдан зиёд фарзандлари, мактаб қошидаги оромгоҳларда — 83 мингдан ортиқ болалари, санаторий-профилакторийларда — 12 минг талаба-ўқувчилар, спорт-соғломлаштириш ва талабалар оромгоҳларида 14 — мингга яқин тармоқ талабалари ва ўқувчи-ёшлар ўз соғлиқларини тиклаб, дам олдилар.

Тармоқда фаолият кўрсатаётган 828 киши 5 миллион сўм миқдорда оилавий йўлланмалардан фойдаланиб, ўз саломатликларини тиклашга муваффақ бўлдилар.

Шу йилнинг 5 январида Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан 1998/99 ўқув йилидан дасрликлар таъминотининг пуллик шакли жорий этилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар, боғчалар, Фанлар академиясида кўп болали ва муҳтож оилаларнинг рўйҳатларини тузиб, уларга дарслик сотиб олишлари учун керакли моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида Марказий қўмита Раёсатининг махсус қарори қабул қилинди.

Ушбу кўчма Раёсат ва Пленум йиғилишида халқ таълими вазирининг ўринбосари М. Султонов қатнашиб, педагог ходимларга ойлик маошларнинг берилиши, ташкилот ва ўқув юртларида меҳнат хавфсизлиги ва ўқиш шароитларини ташкил қилиш, ўқитувчилар соғлигини тиклаш, мактаблар қурилиши каби масалалар хусусида тўхталди.

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Шаҳрисабз шаҳри ҳокимлиги вакиллари ва бошқа масъул ходимлар муҳокамада қатнашдилар.

Шу куни тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмита аъзолари ва Пленум қатнашчилари Шаҳрисабз шаҳар ҳокими Ш. Алланазаров билан учрашиб, мулоқотда бўлдилар ва шаҳарнинг тарихий обидалари, замонавий ўқув муассасалари билан танишдилар. Шаҳар маданият уйининг халқ театри меҳмонларга «Амир Темур васиятлари» номли спектаклини намойиш этдилар.

**Г. ПАРПИЕВА,**
**таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бош мутахассиси**

## ЯНГИ ҒОЯ, ФИКР ВА МУШОҲАДАЛАР

Яқинда Тошкент Давлат университети Маданият саройининг кичик залида «Янги демократик давлат қуриш асослари» деб номланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни «Янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш маркази»нинг бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Қоражон Тошмуродова олиб борди.

Журналистика факультетининг илмий тадқиқотчиси З. Алқарова «Янги демократик давлат қуришда матбуотнинг роли», тарих факультетининг 4-курс талабаси Н. Расулова «Барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари», фалсафа факултетининг аспиранти М. Абдураҳмонова «Янги демократик жамият қуришда талабаларнинг ҳуқуқий тарбияси», физика факультетининг аспиранти А. Давлатова «Диний экстремизм ва фундаментализм», педагогика кафедрасининг аспиранти Н. Мирҳабибова «Янги демократик жамият қуришда ёшларнинг миллий тарбияси» ҳақида маърузалар қилишди. Ҳар бир маърузачи фикр давомида бугунги янги демократик жамият қуришда ўзларининг асосли фикрлари билан қатнашувчиларда катта тассурот қолдирди. Талабалар томонидан тушган саволларга маърузачилар жавоб бердилар. Конференция баҳс-мунозара асосида нихоятда мазмунли ўтди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан тарих фанлари кандидати, катта ўқитувчи Дилфуза Ҳабибуллаева маърузалар юзасидан фикр билдириб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини айтиб ўтди.

**Р. ҚОСИМОВА**

Yangi o‘zbek alifbosini o‘rganamiz

## ҚАЧОН Sh, ҚАЧОН SH ЁЗИЛАДИ?

«Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» (Тошкент, «Ўқитувчи», 1995) нинг 17-бандида Sh sh (Ш ш), 19-бандида Ch ch (Ч ч) ва 26-бандида эса Ng ng (НГ нг) ҳарфлар бирикмаси имлоси қоидалари келтирилган. Бинобарин жорий этилаётган янги ўзбек лотин алифбосини ғарб тиллари учун яратилган компьютерга мослаш талаби туфайли юқоридаги кириллча Ш ш, Ч ч, Нг нг фонемаларини янги ўзбек ёзувида ҳарфлар бирикмаси (sh, ch, ng) билан ифодалаш қабул қилинган.

Янги ўзбек ёзувида ҳарфлар бирикмасининг бош (катта) ҳарфи Sh, Ch шаклида ёзилади. Бироқ тилимиздаги «Нг нг» ундоши сўз бошида ҳеч қачон қўлланмайди. Шу сабабли «нг» товуши учун бош ҳарф шакли асли керак эмас. Бироқ матбуотда сарлавҳаларни, шиорларни, шунингдек, ташкилот ва муассасалар, корхоналар номларини, пешлавҳалар сидирғасига бош ҳарф билан ёзишга одатланганлигимиз туфайли ўрни билан мазкур товуш учун ҳам бош ҳарф шакли зарурдир.

Юқоридаги ҳолатлар янги ўзбек алифбоси ҳарфлари сирасида алоҳида эслатма тариқасида келтирилмаганлигидан айрим рисолаларда, кўча-кўйдаги пешлавҳаларда, йирик-йирик идоралар номларида сўз таркибидаги «Sh, Ch, Ng» ҳарфлар бирикмасининг (бош босма шаклида) иккинчи қисми (компоненти) кичик ҳарф шаклида ёзилиб, хатога йўл қўйилмоқда. Шунинг учун янги ўзбек ёзувида сўз таркибидаги ҳарфлар сидирғасига бош ҳарф билан ёзилганда, юқоридаги ҳарфлар бирикмалари SH, CH, NG шаклида ёзилиши зарурлиги тавсия этилади. Масалан: TOSHKENT MEHMONXONASI (ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНАСИ), ... QURILISH BANKI (... ҚУРИЛИШ БАНКИ), «SHUHRAT» firmasi («ШУҲРАТ» фирмаси), CHIRCHIQ shahri (ЧИРЧИҚ шаҳри), «TONG» firmasi («ТОНГ» фирмаси) кабилар.

Янги ўзбек ёзувида ҳарфлар бирикмаларининг ёзилиши қоидаларига тўлиқ риоя этилиши имло саводхонлигини таъминлайди.

**Суннатулла РИЗАЕВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти**

## ЁШ АДАБИЁТШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

*Қатор йиллар давомида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг мажлислар залида кўплаб анжуманлар ўтказилиб келинади. Адабиёт ва тилшунослик борасида тадқиқотлар олиб бораётган ёшлар анжуманини институт директори, профессор Т. Мирзаев очди. Шундан кейин, ёш адабиётшунослар, тилшунослар ўз изланишлари асосида юзага келган долзарб мавзуларда маърузалар қилишди. Шу куни маъруза қилган 15 тадқиқотчининг ҳар бири институт ходимлари чоп этган илмий китоблар билан тақдирланди. Устозларимиздан А. Абдуғафуров, К. Имомов, М. Жўраевлар алоҳида чиқишлар қилиб, илмий изланишларда қайд этилган ютуқ ва камчиликларни таҳлилга тортишди.*

**Ғ. ЭШМОНОВ,**
**ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими**

## Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун 1998/99 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

| т/с | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Қайси йилдан бошлаб нашр этилган ва охирги нашр йили |
|---|---|---|
| | **1-синф** | |
| 1. | О. Шарафиддинов ва б. Алифбе | 1996-1998 |
| 2. | Қ. Абдуллаева ва б. Она тили | 1996-1998 |
| 3. | Қ. Абдуллаева ва б. Ёзув дафтари 1 | 1996-1998 |
| 4. | Қ. Абдуллаева ва б. Ёзув дафтари 2 | 1996-1998 |
| 5. | Т. Ғаффорова ва б. Алифбе | 1996-1998 |
| 6. | Т. Ғаффорова ва б. Она тили | 1996-1998 |
| 7. | Т. Ғаффорова ва б. Ёзув дафтари 1 | 1996-1998 |
| 8. | Т. Ғаффорова ва б. Ёзув дафтари 2 | 1996-1998 |
| 9. | Н. Бикбаева ва б. Математика | 1996-1998 |
| 10. | Н. Бикбаева ва б. Математика дафтари 1 | 1996-1998 |
| 11. | Н. Бикбаева ва б. Математика дафтари 2 | 1996-1998 |
| 12. | А. Григорьянц ва б. Атрофимиздаги олам | 1996-1998 |
| 13. | Б. Маъқулова ва б. Китобим — Офтобим | 1996-1998 |
| 14. | М. Ғуломов. Ҳуснихат | 1997-1998 |
| 15. | Х. Эгамов. Ўзинг бўя ва бажар | 1996-1998 |
| 16. | Х. Эгамов. Ўзинг қур ва яса | 1996-1998 |
| 17. | З. Валиева ва б. Иқтисод алифбоси | 1997 |
| 18. | Р. Ҳасанов. Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат | 1998 |
| 19. | Х. Нурматов. Мусиқа | 1998 |
| | **2-синф** | |
| 1. | Қ. Абдуллаева ва б. Ўқиш китоби | 1997-1998 |
| 2. | К. Қосимова ва б. Она тили | 1997-1998 |
| 3. | Н. Бикбаева ва б. Математика | 1997-1998 |
| 4. | Н. Бикбаева ва б. Математика дафтари 1 | 1997-1998 |
| 5. | Н. Бикбаева ва б. Математика дафтари 2 | 1997-1998 |
| 6. | А. Григорьянц ва б. Атрофимиздаги олам | 1997-1998 |
| 7. | А. Григорьянц ва б. Кузатиш кундалиги | 1997-1998 |
| 8. | М. Ғуломов. Ҳуснихат | 1997-1998 |
| 9. | Р. Ҳасанов ва б. Ўзинг бўя ва бажар | 1997-1998 |
| 10. | Р. Ҳасанов ва б. Ўзинг қур ва яса | 1997-1998 |
| 11. | В. Андриянова ва б. Русский язык в картинках | 1997-1998 |
| 12. | Х. Эгамов. «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат» | 1998 |
| 13. | Т. Абдуллаева. Ниҳол (табииёт), (синов) | 1998 |
| 14. | М. Ғуломова. «Синфдан ташқари ўқиш китоби» | 1998 |
| 15. | Х. Нурматов ва б. Мусиқа | 1998 |
| | **3-синф** | |
| 1. | М. Умарова. Ўқиш китоби | 1997-1998 |
| 2. | С. Фузаилова ва б. Она тили | 1997-1998 |
| 3. | Н. Бикбаева ва б. Математика | 1997-1998 |
| 4. | М. Ғуломов. Ҳуснихат | 1997-1998 |
| 5. | З. Валиева ва б. Иқтисод алифбоси | 1997 |
| 6. | А. Григорьянц. «Табиатшунослик» | 1997-1998 |
| 7. | А. Григорьянц. «Кундалик кузатиш дафтари» | 1997-1998 |
| 8. | В. Андриянова. «Букварь» | 1998 |
| 9. | В. Андриянова. «Прописи» 1 | 1998 |
| 10. | В. Андриянова. «Прописи» 2 | 1998 |
| 11. | А. Баҳромов. «Табииёт» (синов) | 1998 |
| | **4-синф** | |
| 1. | А. Шожалилов ва б. Ўқиш китоби | 1998 |
| 2. | А. Азизова ва б. Она тили | 1998 |
| 3. | С. Коблов ва б. Русский язык | 1998 |
| 4. | А. Григорьянц ва б. Табиатшунослик | 1998 |
| 5. | Н. Бикбаева ва б. Математика | 1998 |
| 6. | А. Григорьянц ва б. Кузатиш кундалиги | 1998 |
| | **5-синф** | |
| 1. | Б. Саримсоқов ва б. Ўзбек адабиёти | 1998 |
| 2. | М. Асқарова ва б. Она тили | 1998 |
| 3. | Ж. Икромов ва б. Математика | 1998 |
| 4. | Т. Петрова ва б. Русский язык | 1998 |
| 5. | М. Худойберганова ва б. Инглиз тили | 1998 |
| 6. | М. Ахмедшин ва б. Немис тили | 1998 |
| 7. | Н. Нешева ва б. Француз тили | 1998 |
| 8. | А. Баҳромов ва б. Табииёт | 1998 |
| 9. | А. Кабиров ва б. Жаҳон тарихи | 1998 |
| 10. | Т. Пошшахўжаева ва б. Хизмат кўрсатиш меҳнати | 1998 |
| 11. | О. Тўраева ва б. Одобнома | 1998 |
| 12. | М. Мирзааҳмедов ва б. Математикадан масалалар тўплами | 1998 |
| 13. | С. Булатов. «Ганчкорлик» | 1997 |
| 14. | А. Асқаров. Ўзбекистон тарихи (ўқитувчилар учун) | 1994 |
| 15. | П. Мусаев ва б. Материклар ва океанлар географияси | 1996 |
| | **6-синф** | |
| 1. | А.Ғуломов ва б. Она тили, 6-7-синф | 1993-1996 |
| 2. | Б. Саримсоқов ва б. Ўзбек адабиёти | 1993-1997 |
| 3. | М. Сергеева ва б. Русский язык | 1993-1998 |
| 4. | Е. Киссен ва б. Книга для чтения | 1993-1998 |
| 5. | Ж. Икромов ва б. Математика | 1997 |
| 6. | А. Одилов ва б. Ботаника | 1997 |
| 7. | П. Мусаев ва б. Материклар ва океанлар географияси | 1996 |
| 8. | М. Худойберганова ва б. Инглиз тили | 1992-1996 |
| 9. | М. Ахмедшин ва б. Немис тили | 1992-1996 |
| 10. | Н. Нешева ва б. Француз тили | 1992-1996 |
| 11. | А. Абдулқосимов ва б. Материк ва океанлар табиий географияси (синов) | 1998 |
| 12. | Х. Неъматов ва б. Она тили (синов) | 1998 |
| 13. | О. Тўраева ва б. Одобнома | 1996 |
| 14. | С. Булатов. Ганчкорлик | 1997 |
| 15. | Х. Нурматов. Мусиқа | 1997-1998 |
| 16. | А. Кабиров ва б. Жаҳон тарихи | 1994 |
| | **7-синф** | |
| 1. | Қ. Йўлдошев ва б. Ўзбек адабиёти | 1993-1997 |
| 2. | Х. Якубова ва б. Русский язык | 1994-1998 |
| 3. | В. Андриянова ва б. Книга для чтения | 1994-1998 |
| 4. | Ш. Алимов ва б. Алгебра | 1996-1998 |
| 5. | Н. Ғайбуллаев ва б. Геометрия | 1997-1998 |
| 6. | А. Одилов ва б. Ботаника | 1997-1998 |
| 7. | М. Худойберганова ва б. Инглиз тили | 1993-1996 |
| 8. | Н. Нешева ва б. Француз тили | 1993-1996 |
| 9. | П. Ғуломов ва б. Туркистон табиий географияси | 1997 |
| 10. | О. Мўминов ва б. Ўзбекистон табиий географияси | 1997 |
| 11. | О. Мавлонов ва б. Зоология, 7-8 синфлар | 1998 |
| 12. | Ж. Рамизов. Меҳнат таълими | 1998 |
| 13. | С. Булатов. Ганчкорлик | 1998 |
| 14. | Д. Шодиев. Физика | 1998 |
| 15. | А. Перешкин ва б. Физика | 1994-1996 |
| 16. | А. Муҳаммаджонов Ўзбекистон тарихи (ўқитувчилар учун) | 1994 |
| 17. | О. Тўраева ва б. Одобнома | 1996 |
| | **8-синф** | |
| 1. | М. Асқарова ва б. Она тили, 8-9 синф | 1993-1997 |
| 2. | А. Каттабеков ва б. Ўзбек адабиёти | 1993-1997 |
| 3. | М. Ботирова ва б. Русский язык | 1994-1998 |
| 4. | И. Стиркас ва б. Книга для чтения | 1994-1998 |
| 5. | Ш. Алимов ва б. Алгебра | 1992-1996 |
| 6. | А. Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техника асослари | 1994-1996 |
| 7. | А. Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари бўйича машқлар тўплами | 1997 |
| 8. | Х. Муқминова ва б. Ўзбекистон тарихи (ўқитувчилар учун) | 1994 |
| 9. | М. Нишонов ва б. Химия | 1995-1997 |
| 10. | Н. Шахмаев ва б. Физика | 1998 |
| 11. | И. Смирнова ва б. Инглиз тили | 1994-1996 |
| 12. | Н. Нешева ва б. Француз тили | 1994-1996 |
| 13. | О. Тўраева ва б. Одобнома | 1997 |
| 14. | З. Акромов ва б. Ўзбекистон иқтисодий географияси | 1993-1997 |
| 15. | Н. Ғайбуллаев ва б. Геометрия | 1998 |
| | **9-синф** | |
| 1. | Н. Комилов ва б. Ўзбек адабиёти мажмуаси | 1993-1997 |
| 2. | Ш. Алимов ва б. Алгебра | 1993-1998 |
| 3. | Н. Шахмаев ва б. Физика | 1993-1998 |
| 4. | Б. Аминов ва б. Одам ва унинг саломатлиги | 1995-1997 |
| 5. | А. Каримова ва б. Русский язык | 1994-1998 |
| 6. | Ф. Спектерман. Книга для чтения | 1995-1998 |
| 7. | Г. Рудзитис ва б. Химия | 1991-1998 |
| 8. | А. Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари | 1995-1997 |
| 9. | Т. Қурбонов. Одобнома | 1995-1997 |
| 10. | Э. Сариқов ва б. Иқтисод ва бизнес асослари, 9-11 синфлар | 1997-1998 |
| 11. | Э. Сариқов ва б. Иқтисод ва бизнес асослари бўйича амалий машғулот, 9-11 синфлар | 1997-1998 |
| 12. | Ҳ. Бобобеков ва б. Ўзбекистон тарихи (ўқитувчилар учун қўлланма) | 1994-1996 |
| 13. | В. Максаковский. Жаҳон иқтисоди ва ижтимоий географияси | 1995 |
| | **10-синф** | |
| 1. | Ғ. Абдураҳмонов ва б. Она тили, 10-11 синф | 1995-1997 |
| 2. | Б. Қосимов ва б. Ўзбек адабиётидан мажмуа | 1993-1998 |
| 3. | Б. Қосимов ва б. Ўзбек адабиёти | 1997 |
| 4. | А. Азизов ва б. Русский язык | 1994-1998 |
| 5. | Г. Рудзитис ва б. Химия | 1992-1996 |
| 6. | М. Шахмаев ва б. Физика | 1993-1998 |
| 7. | Г. Мякишев ва б. Физика | 1992-1998 |
| 8. | Ш. Алимов ва б. Алгебра ва бошланғич анализ, 10-11 синфлар | 1996-1998 |
| 9. | Ё. Тўрақулов ва б. Умумий биология, 10-11 синфлар | 1995-1998 |
| 10. | О. Алимардонова ва б. Ҳаёт ва турмуш одоби | 1997 |
| 11. | А. Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари | 1997 |
| 12. | О. Ҳасанов ва б. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси | 1997 |
| 13. | Р. Ражабова. Ўзбекистон тарихи (ўқитувчилар учун қўлланма) | 1994-1996 |
| 14. | Т. Жалолов. Инглиз тили | 1998 |
| | **11-синф** | |
| 1. | У. Норматов ва б. Ўзбек адабиёти мажмуаси | 1993-1997 |
| 2. | У. Норматов ва б. Ўзбек адабиёти | 1995-1997 |
| 3. | А. Азизов. Русский язык | 1995-1998 |
| 4. | Н. Шахмаев ва б. Физика | 1994-1998 |
| 5. | Г. Рудзитис ва б. Химия | 1995 |
| 6. | Б. Воронцов-Вельяминов ва б. Астрономия | 1992-1998 |
| 7. | Т. Жалолов. Инглиз тили | 1998 |

Sinab ko‘ring

## ГЕОГРАФИЯДА ФАНИЙ БЕЛЛАШУВЛАР

Республикамизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг қабул қилиниши таълим соҳасида ишлаётган барча зиёлилар олдига муҳим талаблар қўйди. Қонун замиридаги бош мақсад — бола шахсини соғлом ва етук камол топтириш, улар онгида билим ва кўникма асосларини шакллантириш ҳамда юксалтириш. Шунингдек, унда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиришига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу талабларни бажариш учун эса муаллимларнинг дарс жараёнида янги, ноанъанавий усулларни, тестнинг турли хил усулларини қулай билишлиги тақазо этилади. Шунингдек, синфдан ташқари тадбирлар, турли хил фаний беллашув ва викториналар ўтказиш ҳам ўқувчилар дунёқарашининг, мустақил фикрлаш жараёнининг ўсишига ёрдам беради. Чунки фаний беллашувларнинг «бош қаҳрамони» ўқувчиларнинг ўзи бўлиб, ўқитувчи уларга фақат йўналиш бериб туради. Бу тадбирларни турли хил шаклда ўтказиш мумкин. Шу тадбирлардан бири ҳақида фикр билдирмоқчиман.

Ушбу беллашувни кўпроқ «якуний» дарс соатларига мўлжаллантириш маъқул. Бу эса ўқувчиларнинг бутун ўқув йили давомида олган билимларини мустаҳкамлайди. Масалан, 6-синфларда «Материклар табиий географияси» курси ўрганилгач, қуйидагича географик кеча ташкил этиш мумкин. Беллашувга параллел синфлардан ўқувчи 6-8 та бола танлаб олинади. Бу ўйин синфлар ўртасида эмас, балки шахсий биринчилик тарзида ўтказилади. Ўйин аввалида ўрганилган ҳар бир материк биттадан ҳарф билан белгиланиб, доскага ёзиб қўйилади. Масалан:

А — Австралия
В — Африка
С — Жанубий Америка
Д — Шимолий Америка
Е — Евросиё
F — Антарктида

Шунингдек, ўқувчиларнинг ҳар бирига юқоридаги ҳарфлар акс этган тахтачалар берилади. Кейин эса ўйин қоидаси билан қатнашчилар таништирилади. Ўйин давомида олдиндан тузиб қўйилган саволлар навбат билан қатнашчилар эътиборига ҳавола этиб борилади. Ўйин бир неча турга бўлинади. Ҳар бир турда 6 тадан савол бўлиб, саволларнинг ҳар бири биттадан материкка тегишлидир. Ўйин давомида бериладиган саволларнинг намунаси қуйидагича бўлиши мумкин:

1-тур (материкларнинг географик ўрнига оид саволлар).

1. Қайси материкнинг шимолий-шарқий томонидан дунёдаги энг шўр денгиз ўраб туради?
2. Барча меридиан ёйлари қайси материкни кесиб ўтган?
3. Қайси материк шарқий қирғоқлари бўйлаб дунёдаги энг катта маржон рифи чўзилган?
4. Шимолий-шарқий қирғоқлари кучли емирилган материкни айтинг?
5. Оловли Ер ороли қайси материкнинг жанубида жойлашган?
6. Тўртала океан сувлари ҳам ювиб турадиган материк.

Жавоб (1-В: 2-F: 3-А: 4-Д: 5-С: 6-Е)

2-тур (материкнинг текширилиши тарихига оид саволлар).

1. Шер оғзида омон қолган сайёҳ Д. Ливингстон қайси материкни текширган?
2. Норманн сайёҳи Э. Рауди қайси материкнинг шимолига Х асрдаёқ қадам қўйган?
3. Немис табиатшуноси А. Гумбальт табиатини чуқур ўрганган материк.
4. 1642—1643 йилларда голланд сайёҳи А. Тасман қайси материкни кашф қилди?
5. Хоразмий, Беруний, Бобур боболаримиз қайси материк табиати ҳақида асарлар ёзган?
6. «Мирний» ва «Восток» кемаларида уюштирилган махсус экспедиция 1820 йилда қайси материкни илк бор кашф этган.

Жавоб: (1-В: 2-Д: 3-С: 4-А: 5-Е: 6-F)

3-тур (Материклар рельфига оид саволлар).

1. Дунёдаги қайси тоғлар тизими қайси материк ғарбий қирғоқларини бутунлай ишғол қилган?
2. Қайси материкнинг 65 фоиз ҳудуди чўл ва қумлардан иборат?
3. Ҳаракатдаги Эребус вулқони жойлашган материк?
4. Қайси материкнинг шарқий қисмидаги ясси тоғлар салкам 3000 м.ли чиқиб бўлмас улкан тик деворини эслатади?
5. Сайёрамизнинг энг баланд чўққиси ва энг паст ботиғи қайси материкда жойлашган?
6. Мак-Кинли чўққиси қайси материкнинг энг баланд нуқтаси ҳисобланади?

Жавоб: (1-С: 2-А: 3-F: 4-В: 5-Е: 6-Д).

Шу зайлда юқоридаги материклар иқлими, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, аҳолисига доир саволлар берилади.

Ўқувчилар эса ҳар бир саволни эшитгач, ўзларидаги тахтачалардан тегишли ҳарфни кўтариб, ўз жавобини баён қилади. Ҳар бир жавобнинг тўғрисини ҳакамлар бир балл билан баҳолайди. Ҳар икки тур орасида ўқувчилар тўплаган умумий баллар жамланиб, томошабинларга эълон қилиб борилади. Ўйин охирида эса энг кўп балл тўплаган ўқувчи ушбу беллашувнинг ғолиби бўлади.

Бу ўйиннинг ютуғи шундаки, қатнашчиларнинг ҳар бири мустақил фикрлашга ўрганади, бир-биридан ўзишга ҳаракат қилади. Шу каби беллашувларни бошқа дарслар мисолида ҳам ўтказилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ҳукуматимиз таълимга жиддий эътибор бераётган бугунги кунда дарс жараёнида ва синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда турли методларнинг қўлланиши, ўқувчиларнинг илм-фанга бўлган қизиқишларини янада жонлантиради, ўқувчиларнинг ўз билими ва кучига бўлган ишончини орттиради.

**Равшан РАЙИМОВ,**
**Хатирчи туманидаги 17-ўрта мактаб география фани ўқитувчиси**

# БИТИРУВ АТТЕСТАЦИЯЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

(Боши 1-бетда)

ларида намоён бўлди. Эътироф этиш жоизки, бу туман, шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари, услубчи-ўқитувчилари аввалдан жамоатчилик асосида таянч мактабларини белгилаб, у ерда дискетларни ишга тушириш, компьютерларни шайлаш, муаллимларни қайта тайёрлашни ўз вақтида пухта йўлга қўйдилар. Иқтидорли дастурчи Фахриддин Ҳасанов, услубчи Мухтор Маҳкамовнинг республика Таълим маркази ходимлари ҳамкорлигида яратилган ушбу «Супер тест» мажмуи аввал ҳам педагогика билим юртларига кириш имтиҳонларида ота-оналар, мутахассислар ва абитуриентлар томонидан яхши баҳоланган эди. Бу йил унинг анча такомиллашган тизими мактабларга тарқатилди. Уни ишлатиш осонлиги, баҳолашнинг тезкорлиги ва энг кераклиси республикамизда мавжуд 2500 синф «Правец» туридаги компьютерларга мослиги айни муддао деб ҳисобланди. Айниқса, Тошкент шаҳридаги ҳамма мактабларда шундай машиналарнинг борлиги дастурни қўллашга имкон берди. Айни шу дастур республика мактабларидаги 450 та «Ай-би-эм» компьютерларига ҳам ўрнатиб синалди.

Юқорида тилга олинган компьютерлардан ташқари бугунги кунда вилоятларда 1000 синфда «Агат» русумли компьютер ишлатилмоқда. Ушбу мактабларнинг эҳтиёжи ва талаби билан келгуси йили улар учун ҳам тестларни жорий этишини режалаштирмоқда. Компьютерларда синовлар ўтказилишининг қандай афзалликлари бор, деган савол туғилиши табиий. Энг аввало, мактабларга тарқатилган дискетлардаги савол ва жавоблар мажмуи ўзига хос тест банки бўлиб қолади. Баҳолашнинг кўп балли тизими шароитида ундан ўқув йили давомида кундалик, оралиқ, якуний назорат пайтида барча фан муаллимлари фойдаланиши мумкин. Мисол учун Тошкент шаҳри мактабларида мана беш йилдирки, имтиҳон ва олимпиада тест саволлари анча-мунча тўпланиб қолди. Бу йил, ўтган йили ҳам ҳар бир фандан 300 та савол берилиб, ўқувчи шунча саволга олдиндан тайёрланиши лозим.

Аттестация вақтида ана шу саволлардан ҳар бир ўқувчига муқобил 50 тасигина тушади. Бу саволларга қўшимча яна тестдаги жавобларни қўшсак, синовлар шунчаки эмас, ўта жиддий эканлигини фаҳмлаш мумкин. Синов саволларини тузишда бутун фан дастурлари мураккаблиги, шунингдек, тегишли фаннинг илғор услубчилари, олимлар фикри ҳисобга олинган.

Бундан ташқари, бугунги кунда педагогик диагностика масаласи ниҳоятда долзарб бўлиб турибди. Олинган имтиҳон натижалари мактаб, туман, шаҳар фанлар бўйича педагогик диагностикага дурустгина материал бўла олади. Қайси фан қаерда, қандай ўқитилди, қандай бўлим бўш ўзлаштирилди каби саволларга жавоб топиш мумкин. Чунки, ҳар бир дискетда олтитадан файл берилган. Ҳар қайси файл эса фаннинг бир бобига мос келади. Шунингдек, Тошкент шаҳар ва айрим илғор мактабларда юқори синф ўқувчиларининг билими ўтган йили кўп баллик тизим — рейтинг асосида баҳоланди. Ўз-ўзидан равшанки, аттестацияда ҳам анъанавий беш баллик баҳолаш усулидан воз кечиш керак эди. Компьютер эса 100 баллик тизимда ўқувчини баҳолади. Бу айнан ўқувчини чораклар давомида баҳоланган 100 баллик тизимига мосдир.

Ёшларни ҳаяжонга солган ушбу тажрибаларга халқ таълими ходимлари жуда яхши тайёргарлик кўрдилар. Тест асосидаги ўтказилган синовлар асосида ҳудудлар бўйича бир кунга белгиланди.

Халқ таълими вазирлиги томонидан берилган тавсияномалар асосида республика Таълим маркази тест топшириқлари ёзилган дискетларни жойларга 15 майгача етказиб берди. «Ўзбекўқувавтоматика» ҳиссадорлик жамияти мутахассислари эса шартнома асосида барча мактабларнинг компьютер техникасини синовларга тайёрлашда ёрдам бердилар. Шу билан бир қаторда аттестация кунларида юқорида қайд этилган ишларни мувофиқлаштириб бориш учун навбатчи гуруҳлар ва шаҳар, туман миқёсида штаблар ташкил этилди. Аттестация олди кунлари ҳудудларда имтиҳонда тушиши мумкин бўлган тест савол-топшириқлари бўйича ўқувчиларга тушунча (консультация)лар берилиб, ўқув машғулотлари ўтказилди.

Бу йилги компьютер синовлари ниҳоясига етди. Бизнингча, анчадан бери мактаб олдида муаммо бўлиб турган уч масалага йўл топилди. Булар: тест синовларини оммавий компьютерларда ўтказиш, ижобий баҳоланди. Баҳолашнинг кўп балли усули рейтинг тизими қўлланилиб, синов вақтидаги руҳий зўриқишлар камайди, саволларнинг ранг-баранглиги асосида ўқувчи билими баҳс-мунозарасиз баҳоланди. Шу билан бирга тестдаги камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Бу камчиликлар уч турда бўлиши мумкин: техник, дастурий, услубий. Техник камчиликларга дастурни диск юритувчилар ўқий олмаслиги, принтерларнинг ишламаслиги бўлиб, бу нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш мактаб раҳбарининг вазифалари эди. Аттестация даврида баъзи мактабларда мактаб раҳбарлари тажрибасизлиги синов жараёнига халақит берди. Дастурий камчиликлар эса, компьютерлардан блок усулида синов учун икки фанни бир дискетда ёзилмаганлиги, бу эса компьютерларни имтиҳонга тайёрлаш вақтини узайтиради. Услубий камчиликларни фан муаллимларининг тест саволларини тайёрлашдаги хатоликлари деб ҳисобласак бўлади. Бу хатоликлар «Правец»нинг техник имкониятлари чегараланганлигидан ҳам келиб чиқади.

Мактаб ҳаётига тестнинг кириб келиши баъзи бир ташкилий масалаларнинг ҳам ечилишини талаб этаётир. Жумладан, мактаблардаги мавжуд техниканинг эскириб қолганлиги, бинобарин, уларни янги компьютерларга, энг замонавий ахборот технологияларига алмаштиришдир. Бизнингча, ҳар бир мактабда ўзига хос тест маркази ва унга штатли марказ раҳбарини тайинлаш, барча фанлардан ўзига хос тест банкини ташкил этиш вақти келди. Ана шундай марказларни кўпроқ информатика ўқитувчилари бошқаришлари, тест банкидан эса ҳар бир мактаб ўқитувчиси фойдалана олиши керак. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур амалга оширилаётган бугунги кунда бу таклифлар эътиборсиз қолмайди, деб ўйлаймиз.

Албатта, ҳар қандай янгиликни ҳаётга жорий этиш кўпдан-кўп баҳс, мунозараларга сабаб бўлади. Унинг ютуқлари, камчиликлари ҳам бор. Бироқ бу йилги компьютер тизими мутасаддиларга маъқул бўлди. Уни йилдан-йилга такомиллаштириш, олимпиада, аттестация, оралиқ ва якуний назоратларни бир хил компьютер тизимида олиш муаллимларни чалғитмайди. Фанлар бўйича саволларни ҳар бир ўқувчи, ўқитувчи тузиши мумкин. Чунки бу йили бир йўла ускунавий дастур ҳам тақдим этилдики, бу ускунавий дастур ёрдамида мактабларнинг ўзида тестларни тузиш мумкин.

Хуллас, ёшларимиз катта ҳаёт олдидан «кичик» синовдан ўтдилар. Олдинда Давлат тест марказининг синовлари турибди. Биз уларга ана шу масъулиятли синовларда омад тилаймиз.

**Баҳодир БОЛТАЕВ,**
**республика Таълим маркази «Информатика ва ахборот банки» бўлими мудири, физика-математика фанлари номзоди,**
**Бахтиёр КАРИМОВ,**
**Тошкент шаҳридаги 138-мактабнинг олий тоифадаги муаллими**

# «ШОДЛИК»ДАН ШОДЛАНИБ ҚАЙТДИК

**Фарғона вилояти Учкўприк тумани халқ таълими бўлимига қарашли 19-«Шодлик» болалар боғчасида қилинаётган бир талай ишлар кишини қувонтиради. Боғчада 9 гуруҳ фаолият юритади. Бу гуруҳларнинг номланиши ҳам, гуруҳ хоналарининг безатилиши ҳам кичкинтойлар дунёси ва дунёқарашидан келиб чиққан. «Ўрдакча», «Қуёшжон», «Қуёнча» каби гуруҳ бурчаклари ҳам ўз номига муносиб қилиб безатилган. Бу масканда ҳар хил тадбирлар, қувноқ стартлар, боғчалараро мусобақалар тез-тез ўтказилади. Боғчадаги «Моҳир қўллар» тўгарагида ширин-шакар қизалоқлар қўғирчоқлари учун кийим тикиш, кичик-кичик кулчалар ясаш ва пиширишни ўргансалар, ўғил болалар стул, нон ясайдиган жува, чакич сингари хилма-хил буюмлар ясашни ўрганадилар. Боғчада ипак қурти ҳам боқилади.**

**— Ўзингиз кўрганингиздек, боғчамизда қўлимиздан келганча ҳар хил юмушлар билан шуғулланамиз. Ўтган 1997 йили ипак қурти боқдик. М. Деҳқонбоев номли ширкатлар уюшмаси билан шартнома тузиб, 3 гектар ерга пахта экиб, ўзимиз парвариш қилдик. Йил охирида 30 минг сўмлик соф фойда олдик, — дейди биз билан суҳбатда боғча мудираси Каримахон Маҳмудова. — Тушган маблағлар ҳисобига боғчага турли-туман буюмлар сотиб олдик. Кам таъминланган оилалар фарзандларига боғча бадалини ўзимиз тўладик. Уларга ҳар хил совғалар улашдик.**

**Боғча мудираси суҳбатидан сўнг бизда шундай савол туғилди:**

**— Бола тарбияси энг масъулиятли иш. Бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлсангтина бирор нимага эришишинг мумкин. Лекин ғўза ва ипак қурти парвариши деб бола тарбиясига эътиборни сусайтириб юборилмадими?**

**— Худди шундай савол берасиз, деб куттандим. Биласизми, излаган имкон топади деган нақл бежиз эмаслигини мен шу ишларни йўлга қўйганимдан сўнг кўпроқ англадим. Боғчада иш сменали қилиб ташкил этилган. Иш вақти тугагач, тарбиячи ҳам, энага ҳам ўз вазифасини билиб қилаверади. Чунки моддий манфаатдорлик бор жойда ҳамма нарса ўзанига тушиб қолади. Боғчада инглиз тилини ўрганувчилар учун гуруҳ тузмоқчи эдик. Лекин маблағ ва имконият бўлмагани учун бу юмуш 1998 йилга қолганди. Ҳозир шу гуруҳни тузиш ва унга ўқитувчи танлаш масалалари билан юрибман.**

**Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимотини ўтказганимиздан сўнг, тарбиячиларимизда ўз ишига масъулият, кичкинтой тафаккурини ватанга содиқлик, ватанни севиш каби тушунчалар билан бойитишга бўлган иштиёқ кучайди. Боғчамизда «Оила йили»га атаб катта концерт дастури ўтказишни режалаштирганмиз. Болалар шу концертда қатнашиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Мана, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилинди. Ҳар ой боғчамизда шу Дастур юзасидан тарбиячиларни аттестациядан ўтказиш режалаштирилган. Боғчамизда очиқ эшиклар куни ўтказиляпти. Болаларда шаклланаётган ота-онага, ўзидан катталарга, юртига бўлган ҳурматда бизнинг ҳам катта ҳиссамиз бор деб ўйлайман. Бизга ҳам иқтисодий, ҳам маънавий масалаларда М. Деҳқонбоев номли ширкатлар уюшмаси бошқарувчиси А. Абдуллаев катта ёрдам бермоқда. Бизнинг асосий вазифамиз озод юрт фарзандлари ҳам озод ва ҳур фикрли, соғлом авлод бўлиб етишсин.**

**Боғчада биз тилга олмаган, лекин ҳаммани қувонтирадиган яна талайгина ибратли ишлар бор. Боғчадан қайтар эканмиз, Президентимизнинг «Биздан озод ва обод ватан қолсин» деган гапларини беихтиёр эсладик.**

**Шарифахон МУРОДЖОН қизи**

Tahlil va mulohaza

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР...

## афсуски улар орасида жиноятчилар ҳам учрайди

1997 йил якуни бўйича Тошкент шаҳри миқёсида вояга етмаганлар орасида жиноятчилик камайган бўлсада (1996 й. — 809, 1997 й. — 738), айрим туманларда бу йўналиш бўйича кўрсаттичлар ўсди. Жумладан, Шайхонтоҳур туманида +13,7 фоизга (57 тадан — 58 тага), Собир Раҳимов туманида +66,7 фоизга (27 тадан — 45 тага) ва Бектемир туманида +107,1 фоизга (14 тадан — 29 тага) кўпайди.

Масалан, 1997 йил 29 октябрь куни 164-мактаб ўқувчиси, вояга етмаган Батирёв М. Н шу мактаб ўқувчиси Замураев В. Н. ни уриб, тан жароҳати етказган.

1997 йил 28 ноябрь куни вояга етмаганлар Хван В. Р. ва Ковтуненко М. О. (72-ўрта мактаб ўқувчилари), Қушбеги даҳаси-6-7 да истиқомат қилувчи Постаева Н.нинг уйидан 1.500.000 сўмлик уй жиҳозларини олиб чиқиб кетишган. Бундай жиноят тафсилотларини кўплаб келтириш мумкин. Хўш, ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг тарқалишига сабаб нима? Бу ўринда ўсмирларни жиноий гуруҳларга жалб этаётган қатор ижтимоий-руҳий омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Жумладан, ўсмирларда бўш вақтнинг кўплиги, катталар томонидан назоратнинг йўқлиги, бўш вақтни ўтказиш жойи ва вақтнинг бетайинлиги, жиноятчи шахсидаги кимсалар билан алоқа қилиш имконини берувчи ўзаро муносабатларнинг мавжудлиги, зарарли одатлар ва қизиқишларни қондириш имкони мавжудлиги ва ҳоказолар ёшларда жиноятта мойилликни тарбиялайди.

Маълумки, фаолиятнинг мақсад ва шакли вояга етмаганларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, интилишлари ва моддий мўлжаллари хусусиятига боғлиқ. Бу хусусиятлардан эса, жиноятчига боғлиқ бўлган омиллар ҳам шаклланади. Хусусан, ажралиб, яккаланиб қолган ўсмирлар ўз эҳтиёжларини қондириш учун шахсий интим алоқага киришадилар ва бу билан шахслараро муносабат тизимида ўз мавқеларини яхшилашга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларини тан олишларига, тушунишларига, ҳамдардлик билдиришларига эҳтиёж сезадилар. Ижтимоий ажралиб қолишдан, яккаланиб қолишдан қўрқадилар, ҳамда катталардан ўзларини тортадилар ва бу билан катта бўлиб қолганликларини, мустақилликларини кўрсатмоқчи бўладилар. Уларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари бир-бирига ўхшаш бўлади, улар бу эҳтиёжларини қонунга зид ишлар билан қондиришга интиладилар.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни босқичма-босқич бартараф этиш, охир-оқибатда кун тартибидан олиб ташлаш, фикримизча, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги бўйича махсус тарбия тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муаммоси бажарилган тақдирдагина мумкин бўлади. Бундай дастурни яратиш муаммоси олға сурилар экан, республика доирасида вояга етмаганлар учун ёпиқ турдаги муассасалар (қамоқхоналар)ни бекор қилиш масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу ўсиб келаётган авлодга тарбиявий таъсир этишнинг инсонийлик ва инсонпарварлаштириш принципларидан келиб чиқади.

Ўтган етмиш йил тажрибаси шуни кўрсатадики, қоқилган ўсмирни жамиятдан ажратиб ташлаш, уни ахлоқ тузатиш меҳнат муассасасига тиқиб қўйиш шахсни ўзгартириб юборади. Унинг ижтимоий жамоа муҳитидан бегоналашиши, ички дунёсининг эгриланиши, ахлоқ тузатиш муассасасида бўлиши оқибатидир. Муассаса унинг учун қайта тарбияланиш воситаси бўлиб хизмат қилмайди.

Вояга етмаганларга таъсир этишнинг бундай йўлини тугатиш, ўсмирлар ҳуқуқбузарлигининг инсонийликка асосланган самарали тарбиявий тизимини ишлаб чиқиш педагог олимлар, ҳуқуқшунослар, социологлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими ходимлари, кенг жамоатчилик учун биринчи даражали муаммодир.

**Бахтиёр ЗУҲУРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси катта нозири**

Hunar — zar

# МОМОЛАРДАН МЕРОС САНЪАТ

Санъат. Мен у ҳақида нималар десам экан... Ўз-ўзидан у ҳақда гапириш мени ўйлантириб қўяди, чунки санъат ҳақида фан яратишга уринганлар кўп бўлган. Ҳатто ажойиб, қулоқ эшитмаган гаплар билан изоҳлашга ҳаракат қилганлар ҳам.

Санъат муҳаббатнинг изоҳи каби ҳар кўнгилдан ўз изоҳини, ҳақиқатини сўрайди. Ҳар бир санъат турининг ўзига хос машаққати, гўзаллиги, табиий сеҳри бор.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган санъат турларидан бири момолару бувиларимиздан бизгача етиб келган энг нафис ва гўзал мерос — каштачилик санъатидир.

Каштачилик — гўзал санъат. Ажойиб, латиф каштани тикиб, унинг жилваларини томоша қилганингда ич-ичингдан суюнасан. Каштанинг сеҳрли жилолари қалбингга ҳузур бағишлайди. Ўзингни руҳан енгил ҳис қиласан киши.

Каштачилик санъати бу халқнинг маънавий оламини, урф-одатларини, орзу-ниятларини ифодалайди.

Каштачилик ўзбек-тожик халқларининг чин дилдан севган санъатидир. Авлодларимиз асрлар оша санъатнинг бу турини ардоқлаб келганлар. Бугунги кунда республикамизгина эмас, хорижий мамлакатларда ҳам донг таратган каштачилик санъати не-не подшолару шаҳзодалар кийимларини безамаган дейсиз. Ҳозирда ҳам бу санъатнинг нозиклиги кишиларнинг ҳавасини келтиради.

Каштачилик — бу безак санъатининг бир тури ҳисобланиб, кашта тикилишида фақат чевар бўлибгина эмас, балки нозик дид билан безата оладиган уста рассом ҳам бўлиш керак. Мен ўзимнинг шогирд ўқувчим Замира Раҳимованинг ишлари иқтидорли болалар слётида юқори баҳоланганидан жуда ҳам хурсандман.

**Ҳақиқат САЛОМОВА,**
**Сариосиё туманидаги 9-мактаб меҳнат фани ўқитувчиси**



Суратда: Мамаюсуповларнинг китоб дўконида савдо қизғин (1937 йил).

## Шаҳобиддин МАМАЮСУПОВ:

# «МИЛЛАТДОШЛАРИМНИНГ БАРИ КИТОБХОН БЎЛСИН»

***Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар китоб савдоси акционерлик жамияти раиси Шаҳоббидин МАМАЮСУПОВ...***

***Рости, бу инсоннинг одамохунлигию камтаринлиги, саховатпешалигию ишбилармонлиги ҳақида одамлардан эшитганимда бир бор қойил қолган бўлсам, зиёкорлиги, китоб тарғиботчиси эканлиги хусусида хабардор бўлганимда, у билан ўз ишлари ҳақида бир оз бўлса-да, гурунглашиш истаги пайдо бўлди.***

**— «Одамлар китоб ўқимай қўйди», «Одамлар ейиш-ичиш ғамидан ортмай қолишди», «Тайёр видео, телевидение турганида китоб ўқишга вақт қаёқда» сингари гаплар эшитилиб турган айни дамларда, сизнинг китобшуносликка астойдил меҳр қўйганингизнинг боиси нимада?**

— Шаъмангизни тушундим. Аввало водий халқи китобхон халқ. Шу важданми, биз тарғиб қилаётган китобларнинг доимо савдоси чаққон, ҳеч қачон эскириб туриб қолган эмас. Демак, видео телевидение, театр, кино ўз йўлига экан-да... Китобшунослик касбим туфайли кўпроқ китобхонлар билан суҳбатда, мулоқотда бўлиб тураман. Ҳатто бир китоб ишқибозига савол берганимда: «Олатасир ёки бошқачароқ фильмларни томоша қилганимда ҳаммаёқ аллақандай шовқин-суронларга тўлиб кетгандай бўлади. Ҳаловатим йўқолиб, овозини пасайтириб қўйишга ҳаракат қиламан. Китоб ўқиганимда эса, вужудимни аллақандай осойишталик, хотиржамлик эгаллайди, ҳатто унинг қаҳрамонлари билан жимгина баҳсга ёки мулоқотга киришаман» дея дилидагини тўкиб солганди.

**— Хабарингиз бўлса, яқинда «Савдогар» газетасида «Ташвиқотчилар» деб номланган баҳс-мунозарали мақола босилди. Унда покиза китобларнинг бадмаст, ичувчи кимсалар қўлида сотилаётгани, яъни ташвиқот қилинаётгани, «пиён»лар китоблар устига устама баҳо қўйиб пуллаб, ароққа даромад ишлаётганлари куюнчаклик билан қаламга олинган. Сиз бунга қандай фикр билдирасиз?**

— Мен ўша мақолани ўқимаган бўлсам-да, муаллифнинг мақсадини тушунгандай бўлдим. Шу тобда бобомнинг бир гаплари ёдимга тушиб кетди. Улар буни доимо сулоламиз аъзоларига ибрат тариқасида айтиб берардилар.

... 1933 йилнинг айни қаҳатчилик даври. Нариги маҳаллага Марғилондан Мамажон қори отлиқ бир косиб кўчиб келди. Унинг Абдулҳамид исмли ўғли бўлиб, шу бола бутун Қўқон аҳлини китобга меҳр қўйдирди, десам янглишмайман. Абдулҳамид узун қиш тунлари кексаю ёшларни йиғиб, ўзбек халқ достонларидан ўқиб берарди. Ҳар бир достон бир китоб бўлиб, одамлар тонг отиб қолай деса ҳам, очликдан этлари устихонларига ёпишай деса ҳам, бари азобларни унутган кўйи Абдулҳамиднинг оғзига термулишаркан. Қизиғи, улар достонни фақатгина ўша кичик боладангина эшитишни исташаркан. Бобом ҳар гал бу воқеани айтиб бергач, «Кўрдингларми китобнинг кучини, унда нималар битилганини кўзкўз қила билишнинг қудрати қанақа эканлигини! Китобшунос бўлсанглар ана шуларга эътибор беринглар!» дердилар.

Бадмаст инсонларнинг китоб «ташвиқот»ига келсак, улар ўзлари ҳам билмаган ҳолда битта шишанинг илинжида китобларни бекатларда, серқатнов йўлларда, одамлар кўп ўтадиган жойларда даста-даста қилиб олиб кўтариб юришади. Бундан хулоса шуки, биз китоб тарғиботини кўча-кўй, бозор-ўчар, маҳаллалар оралаб, сайлгоҳ майдонларда кучайтиришимиз, иложи бўлса бу ишга бўш вақти бор болаларни, ўсмирларни жалб этишимиз лозим.

**— Ўзингиз китоб савдосини қандай ташкил этмоқдасиз?**

— Бизнинг Фарғона халқи, умуман ўзбегимнинг бари китобсевар, маърифатли халқ десам, янглишмайман. Чунки шу вақтгача қаерда китоб савдосини ташкил этган бўлсак, савдосидан қувонганмиз. Тушаётган даромад ҳам чакки эмас. Ташвиқотчиларимиз сотувда мавжуд бўлган бадиий адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар, чет тилини ўрганишга қизиқувчилар учун зарур бўлган адабиётларни харидорларга имкон қадар маълум қилишга ҳаракат қиладилар. Ҳозиргача мавжуд китоб сотиш нуқталарига қўшимча равишда Бағдод, Данғара, Бешариқ туманларида янги дўконлар очдик. Қўқон шаҳри кўчаларида китоб савдосини уюштирдик. Катта тантаналар, байрамларда ярмаркалар ташкил этамиз, ҳар йили ўрта мактабларни битирувчилар кечасида энг яхши, аълочи ўқувчиларга 50-100-150 тўплам китоблар совға қиламиз. Бу борада Қўқон шаҳри ҳокими Ҳожиқул Мавлонқуловга раҳмат айтишни истардим. У инсоннинг кўмаги билан 62 та маҳаллада кутубхона ташкил этдик. «13-Исфарагузар», «6-маҳалла», «3-маҳалла»ларда китоб савдоси ташкил этиб, уни «Маънавият дўконлари» деб атадик.

**— Сизни китобшунослар сулоласи вакили дейишди?**

— Ҳа. Бобом Мирзааҳмад Мамаюсупов 1927 йилдан то 1970 йилгача китоб дўконида дўкондорлик қилганлар. Отам Абдураҳмон Мирзааҳмад ўғли ҳам болаликдан бобомга китоб тарғиботи ва савдосида ёрдамчи бўлиб келганлар. Падари бузрукворим 1951 йили Москвадаги китоб савдоси техникумини битириб келиб, 1989 йилгача ана шу муқаддас юмуш билан шуғулланганлар. Салоҳиддин акам ҳам 20 йилдан буён китобшунослик соҳасида ишлайдилар.

Болалигимиздан отам дилимизда китобга меҳр уйғотганлар. Байрамларда, шодон кунларимизда бизга қизиқарли китоблар совға қилардилар. Катта кутубхонамиз хонадонимиздаги энг севимли жойимиз эди. Фарзандларимга отамдан қолган катта кутубхона тарихи, авлодларимизнинг китобшуносликлари, бу борадаги саъйи ҳаракатлари ҳақида кўп-кўп гапириб бераман. Отам собиқ шўролар даврида Москва, Ленинград, Ереван, Боку, Киев шаҳарларидан китоблар олиб келиб, савдо ярмаркаларини ташкил этар эканлар. Мен ҳам болалигимда ҳар йили бошқа шаҳарлардаги китоб ярмаркаларида иштирок этардим.

**— Маълумки, келгуси ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни дарслик билан таъминлашнинг пуллик тизими йўлга қўйилди...**

— Вазирлар Маҳкамасининг дарсликлар ҳақидаги қароридан сўнг биз дарҳол режа асосида ишга киришдик. Акционерлик жамиятимиз ҳузурида бош ҳисобчи Ўктамой Тиллахўжаева, унинг ёрдамчиси Светлана Ше, экспедитор Мансуржон Суюновлардан иборат ишчи гуруҳи туздик. Гуруҳ аъзолари Қўқондаги мактаб кутубхоналари билан шартнома туздилар. Унга биноан, масалан: 10.000 сўмлик дарсликнинг 10 фоизи кутубхоначига сотгани учун берилади. Чунки кутубхоначи мактабдаги синфлар сони, ундаги болалар неча нафарлигини яхши билади. Ҳар куни неча дона китоб сотса пулини топширади. Қўллаган усулимиз яхши фойда берди. Натижада кутубхоначилар таътилга чиқмай ишлаш истагини билдиришди. Бизнинг ён-атрофимизда 7 та туман бор. Биз ўша ердаги ўқувчиларга ҳам китоб етказиб беришни ўз зиммамизга олдик. Данғара тумани бир ҳафтада биз юз йигирма минг сўмлик китоб сотди.

Ҳиссадорлик жамиятимиз мактаб-маориф билан ҳамиша ҳамкор. Оз кун ичида 1 миллион 39 минг 127 сўмлик дарслик сотдик. Ҳар куни «Ўқитувчи» нашриётига дарсликлар учун 100 000 — 150 000 сўм маблағ ўтказаяпмиз.

* * *

**Китобшунос Шаҳобиддин Мамаюсуповнинг Қўқон шаҳар кўзи ожизлар фабрикаси қошидаги 60 нафар бола ўқийдиган мактабга қурилиш материаллари, дарсликлар сотиб олиб бергани, газета ва журналларга обуна учун пул ўтказгани, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасига канцелярия анжомлари, китоблар совға қилгани, бундан ташқари ўзи ўқиб тугаллаган, шаҳардаги 4-мактабга тез-тез бориб, қўлидан келганича ҳомийлик қилиб туриши, ҳар йили битирув кечасида ўқувчиларга китоблар тўплами ҳадя этиши ҳақида ҳам кўпчиликдан эшитдим.**

**Автобус бекатларида, хиёбонлар ўриндиқларида, сўлим сой соҳилларида қўлларида китоб тутган ёшларни кўрсам, «Ниятим, миллатдошларимнинг бари китобхон бўлса» деган эзгу орзулар бот-бот ёдимга тушади. Мен унинг пок ниятларию эзгу орзуларига тезроқ етишини чин дилдан истаб қоламан.**

**Зуҳра ШОКИРОВА**

# ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ КУНДАЛИГИ

FRANCE 98

Sport

### ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ

**Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг Болгария — Парагвай терма командалари учрашувидан 5 соатлар олдин номаълум кимсалар Меннолье шаҳридаги йирик стадионда портловчи модда қўйилганлиги хусусида маҳаллий полиция ва стадион маъмуриятига телефон қилдилар. Жиддий текширув натижасида ушбу хабарнинг нотўғри эканлиги аниқланди. Бу борада ҳалигача суриштирув ишлари давом этмоқда.**

**Энди жаҳон чемпионатининг шу кунгача бўлиб ўтган ўйинлар натижалари билан танишинг:**

**«С» гуруҳи**
1. Франция — ЖАР — 3:0
2. Дания — С. Арабистони — 1:0

**«D» гуруҳи**
1. Испания — Нигерия — 2:3
2. Болгария — Парагвай — 0:0

**«Е» гуруҳи**
1. Голландия — Бельгия — 0:0
2. Ж. Корея — Мексика — 1:3

**«F» гуруҳи**
1. Германия — АҚШ — 2:0
2. Югославия — Эрон — 1:0

**«G» гуруҳи**
1. Руминия — Колумбия — 1:0
2. Англия — Тунис - 2:0

**«Н» гуруҳи**
Аргентина — Япония — 1:0
Ямайка — Хорватия — 1:3

### ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВЛАР

**3 июлдан, 4 июлгача**
1/4 финал мусобақалари.
**7 июлдан, 8 июлгача**
1/2 финал ўйинлари.
12 июл куни
**ФИНАЛ**

**Жаҳон чемпионатининг 12 июндан 16 июнгача бўлган 16 учрашувида дарвозаларга ҳаммаси бўлиб 35 тўп киритилди. Жами 5 футболчи ўз дарвозаларига тўп киритишди.**

**Ҳакамлар 16 учрашувда 3 футболчини майдондан ҳайдаб чиқарди, 30 дан ортиқ футболчи огоҳлантирилди.**

**Германия терма командасининг ҳужумчиси Лотар Маттеус шу йилгиси билан бешинчи бор жаҳон чемпионати ўйинларида қатнашмоқда.**

**«Франция-98»да собиқ жаҳон чемпионларидан 16 нафар футболчи иштирок этмоқда. Шулардан 8 таси Германия, 7 таси Бразилия ва 1 таси Италия терма командасига тегишлидир.**

**Жаҳон чемпионатида мухлислар доимо тўполон кўтариб келишган. 16-жаҳон чемпионатида ҳам Англия-Тунис учрашувидан сўнг инглиз ва Тунис ишқибозлари ўртасида содир бўлган можаро натижасида юзлаб кишилар қамоққа олинди.**

maydonchasi

# ВАТАН! ФАРЗАНДЛАРИНГ МАДҲ ЭТДИ СЕНИ

**(Боши 1-бетда)**

Ғолиб қўшиқчи ёшлар ва жамоаларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 10 минг сўмдан 50 минг сўмгача бўлган пул мукофотлари, республика истеъдодли ёшларини қўллаб-қувватлаш «Улуғбек», республика ёшлари «Камолот» жамғармаларининг қимматбаҳо совғалари, диплом ва фахрий ёрлиқлари, шунингдек, Наманган вилояти ҳокимлигининг махсус соврини (ДЭУ рангли телевизори) топширилди.

Биз қўшиқлар байрами ҳакамлар ҳайъатининг раиси, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси ўринбосари Ҳ. Раҳимовдан бўлиб ўтган танлов тўғрисидаги фикрларини сўрадик:

— *Бу йилги танловнинг ўзига хослиги шундаки, айрим жамоалар профессионал композиторлар билан ишлаган. Бухоро, Самарқанд, Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент университетлари мазмундорликни ошириш мақсадида турли композициялардан фойдаланишган. Бу ўз навбатида яхши натижа беради.*

*Таклифим — кейинги йилларда олий ўқув юртлари жамоалари бастакорлар уюшмаси билан кўпроқ ишлашса, қўшиқлар мусиқаси янада мукаммал бўларди.*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус талим вазирлиги етакчи мутахассиси Н. Раҳмонов танлов борасида мана бундай фикрда: *«Бу галги қўшиқ байрами аввалгиларидан сифат жиҳатидан яхшиланганлиги билан ажралиб туради. Ёшлар фақат юртимизнинг таниқли шоирлари эмас, шеърият дунёсига энди кириб келаётган ёш, истеъдодли шоир ва шоиралар ижодидан ҳам унумли фойдаланишган.*

*Бу танлов асосан ёшларники, шундай экан, кейинги йилларда танловга ўқув юртларининг домлалари эмас, кўпроқ талабалари жалб этилиши керак, менимча».*

* * *

Ўзбекистон қўшиқлар байрамининг учинчи куни Наманган аҳлининг хотирасидан узоқ йиллар чиқмаса керак. Шу куни танлов ғолиблари шаҳардаги «Тинчлик» майдонида концерт дастури намойиш қилишди. Ватан ҳақидаги энг гўзал, энг дилбар ва энг сара қўшиқлар янгради. Ўзбекистон ёшлари қалбидан чиққан бу тиниқ садолар Ватанимизнинг кенг сарҳадлари узра узоқ вақт акс садо берди ва беражак.

«Ўзбекистон қўшиқ байрами» тадбирларида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, республикамиздаги барча олий ўқув юртлари ректорлари, ҳокимият вакиллари ва бошқалар иштирок этишди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

Ko'ngil bitiklari

### ОНА ТИЛИМГА

*Сен Темур кўксида балққан ғурурсан,*
*Тожисан, тахтисан, сен унинг тиғи.*
*Қалбларни илк бора ёритган нурсан,*
*Алласан онамнинг айтган қўшиғи.*
*Сенда Навоийнинг боқий овози,*
*Сендадир Бобурнинг нола-ю оҳи.*
*Сендадир Машрабнинг ўтли дил сози,*
*Сен ўзинг миллатнинг сўнмас паноҳи.*
*Буюк қадриятлар қолар кўмилиб,*
*Сенсиз орзулар ҳам қолар безабон.*
*Дарёлар кўз ёшга, ғамга айланар,*
*Азобдан тупроқнинг бўлар бағри қон*
*Она тилим сен барҳаёт яшайсан*
*Мисрасида ҳар бир қўшиқ, достоннинг.*
*Сен борсан англайман, узоқ ўтмишни,*
*Ҳамда келажагин Ўзбекистоннинг.*

***

### ТИЛАК

*Нурга тўлсин бу кўҳна олам,*
*Ёвузликка нажот қолмасин.*
*Юракларда гулласин меҳр,*
*Унинг ўрнин қаҳр олмасин.*

*Келинчаклар бўлсин вафодор,*
*Демасинлар муҳаббат ёлғон.*
*Ишқ боғидир куёвлар қалби,*
*Асло унда унмасин гумон.*

*Чақалоқлар улғайсин тўкис,*
*Оиладир муқаддас маскан.*
*Йўқолмасин бу янглиғ туйғу,*
*Асли шундан бошланар Ватан.*

**Латофат РАЖАБОВА,**
**Навоий шаҳридаги Абдулла Қодирий номидаги 3-мактаб ўқитувчиси**

Lager sahnasi uchun

**Бобораҳим ОМОНОВ**

# ТАЪТИЛДА ҲАМ ЎҚИЙМИЗ

### БИР КЎРИНИШЛИ ТОМОША

«Н»га: Наманган, Нуъмонжон, Таннозхон, нонни, осмоннинг;

«Қ»га: Қарқуноқ, қоқиндиқ, қўлтиқтаёқ, қозиққа, қаёққа, қоқмоқ.

Олия (жўшиб): — Э, офарин, доно қиз, яшанг! Бу топганларингизнинг баҳоси «Аъло»дан ҳам ортиқ экан, ўтиринг!

Манзура (келиб ёнига ўтирган Вазиранинг елкасига уриб): — Бу қиз ўзи бошқа баҳони билмайдиям!

Олия (Назирага): — Хўш, сарвар қиз, сизга қандай топшириқ берилган эди?

Назира (туриб): — Менга ўзича мустақил маъно англатадиган шундай сўзларни топиш топширилган эди. Қайсики, уларнинг охирига биргина «г» товуши қўшилса ушбу сўзларнинг маъно ва талаффузлари бутунлай ўзгарсин.

Олия (таъкидлаб): — ҳарқалай, Назирахон, Сиз — бўлғуси олимасиз. Шундоқ экан, бу вазифани ҳам дўндириб адо этган бўлишингиз керак?

Назира (дафтарини узатиб): — Қанчалик бажарганимни... ўзингиз баҳоларсиз.

Олия: — яхшиси, сиз чиқиб буларни тахтага ёзинг, кейин ҳаммамиз биргаликда ўқиб кўриб баҳолаймиз.

Назира «топилма»ларини тахтага қуйидаги тартибда ёзиб чиқади:

### BIRGINA 'g' QO'SHILGACH... NE O'ZGARISH YUZ BERIBDI?..

On, oldin, ton, to'n, min, so'n, kiyin, kelin, qiyin, yelkan, suyun, Oqin, shaylan, saylan, qo'shin, ekin, erkin, qo'yin, to'sin, bezan **+g**

to'kin, ichin, yashirin, to'lin, ko'rin, maqtan, tovlan, ilin, taran, hushin, suyan, sevin, qo'lin, man, bo'yin, chaqin, urin, o'yin, o'tin **+g**

Олия бир четда кузатиб тургач, Манзура билан Вазирага: — Қани, хушхон булбуллар, бирингиз шу ёзилган сўзларнинг ўзини, иккинчингиз эса уларга «г»ни қўшган ҳолда ўқиб беринглар-чи.

Иккаласи Назиранинг ёзганларини «он—онг», «тон—тонг» тарзида ўқиб беришгач, Олия улардан сўрайди:

— Хўш, энди айтинглар-чи, сизнингча бу талабамизга қандай баҳо қўйсак, бажарган ишига муносиб бўлади?

Вазира: — Менимча...»Энг аъло»дан ками кам бўлса керак.

Олия (таъкидлаб): — Мана, бўлғуси Вазир қиз — Вазирахоннинг баҳолаши шундай экан, хўп, энди билайлик-чи, фикри ҳамиша ҳаммага манзур бўладиган Манзурахоннинг ўз дугонасига қўядиган баҳоси неччи бўлар экан?

Манзура (Назирага қараб): — Менга қолса — ҳеч иккиланмасдан «+5» билан баҳолаган бўлардим!

Олия (икки дугонага): — Дуруст, майли, сизлар ўтиринглар, билдирган фикр-тавсияларингизни ҳисобга оламиз. (Кейин Назиранинг қўлидан тутиб) Аслида... Сизга исм қўйишганда Назирадан кўра Беназир — яъни тенги, монанди йўқ, дея атасалар дуруст бўларкан! Тилагимиз: бундан кейин ҳам ҳамиша мукаммал бўлинг, ҳар бир ишни ўзгалар ўтказолмайдиган даражада сара ва пухта бажаринг!!!!

Назира (қўли кўксида): — Раҳмат... (ўрнига бориб ўтиради).

**(Боши газетамизнинг ўтган сонида).**

**(Давоми бор).**

### ҚУТЛОВ



**Ҳурматли Ҳосиятхон АҲМЕДОВА!**

**Сиз узоқ йиллар маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш каби энг масъулиятли вазифаларда ишлаб, ўз ҳаётингизни Ватан, эл манфаатлари учун бахшида қилиб келаяпсиз. Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан табриклаб, шундайин эзгу ишингиз ҳамиша баракали бўлишини тилаймиз. Соғу саломат бўлинг.**

**Наманган педагогика билим юрти мусиқа бўлими жамоаси**



**Азиз устозимиз Абдурашид РАҲМАТОВ!**

**Сизни 60 ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Ёшларни баркамол шахслар қилиб тарбиялаш ва илмли қилишдек муқаддас ишингизда муваффақиятлар тилаймиз. Ҳамиша соғ ва омон бўлинг!**

**Навоий туманидаги 3-мактаб жамоаси ва оила аъзолари**

# ШИФО ҲАМДА УМИД БАХШ ЭТДИ

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз? менинг қизим бир ярим ёшлигида куйиб қолган эди. Куйиш асоратида бармоқлари букилиб қолди. Бундан биз жуда изтироб чекдик. Таниш- билишлар қизчамнинг қўллари очилишига, профессор Ботир Миразимовдек қўли гул шифокоргина жарроҳлик йўли билан даво қилади, деб айтишди.

Ортопедия ва травматология илмий текшириш институтига келганимизда бизни тиббиёт фанлари доктори, профессор Ботир Миразимов очиқ чеҳра билан қарши олиб, қизчамнинг қўлларига шифо қилишини ишонч билан айтди.

Профессор Б. Миразимов қизчамнинг қўлларини жарроҳлик йўли билан даволадилар. Олдинда яна бир операция бор эди. Орадан йиллар ўтди. Ҳаётнинг айрим қийинчиликлари туфайли бу операция анча орқага сурилиб кетди. 12 йил ўтиб, қизим ўн тўрт ёшга тўлаганда яна Ортопедия ва травматология илмий текшириш институтига келдик. Ботир ака Миразимовнинг бу галги операцияси ҳам муваффақиятли ўтди. Қўли гул, кўнгли оқ, ўз касбининг моҳир устаси Ботир ака Миразимовдан бир умр минатдормиз.

Бу инсонни мен бекиёс боғбонга ўхшатдим. Боғбон ҳам кўчатни экиб, ёинки пайванд қилиб, уни ҳамиша назардан қолдирмай, парваришлаб туради. Ботир аканинг ҳам камтаринлиги, ҳар доим юзидан нур ёғилиб беморга меҳр билан қараб, нафақат ўзининг бой тажрибаси, билими, куч-ғайрати билан, балки ширин сўзлари билан, меҳр тўла кўзлари, моҳир қўллари билан даволашидан биз оналар ва беморлар бениҳоя хурсанд бўлдик.

Профессор жароҳати бўлган беморларни ҳаттоки дам олиш кунлари ҳам келиб кўрар, бемордан ҳол-аҳвол сўраб, уларнинг руҳини кўтарар эди. Мен бу олижаноб инсонни беморларга меҳр билан қараши, авайлаб парвариш қилишини кузатар эканман, севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу мисралари хаёлимдан ўтди.

**Инсон билан тирикдир инсон,**
**Муҳаббатда ҳаётнинг боши,**
**Одамзотга бахш этади жон**
**Одамларнинг меҳр қуёши.**

Ботир ака Миразимов раҳбарлигида иш олиб бораётган шогирдлари, издошлари кўнгли оқ, дили тоза шифокорлардан бўлим мудири Абдуҳалил Хўжанов, катта илмий ходим Аҳрор Жўраев, Раҳим Тиловов, Зубайдулла Шаропов, Равшан



Жуманов, Мурот Солиев, Олим Жабборбергенов ҳамда палата шифокори Хайрулла Раҳматуллаев эрта билан барвақт келиши, беморлар билан аввал саломлашиб чиқиши ва яна бир неча бор палаталарга кириб беморларнинг аҳволидан огоҳ бўлиши, ўз касбига сидқидилдан ёндашиши, қўли гул ҳамширалардан Гулчеҳрахон, Саидахон, Атиргул, Бибигул, Шаҳнозахонлар ўзларининг очиқ чеҳра, ширин сўзлари билан эътибор-ҳурматга сазовар бўлдилар.

Мен бу олижаноб инсонларга оиламиз номидан ҳамда шифо топаётган беморлар номидан жуда катта миннатдорчилик билдираман, Бундай шифокорларни бир умр фахр билан эслаймиз.

**Вазира ИКРОМОВА**
**Тошкент шаҳри**

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги ЮНЕСКОнинг «Бирлашган жаҳон мактаблари» тасарруфига кирувчи 309-Шарқ тиллари лицейи 1998-99 ўқув йилида араб, форс, ҳинд, урду, инглиз, рус тиллари ҳамда барча умумтаълим предметлари бўйича лицейда ишлаш учун

**ЎҚИТУВЧИЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловда ўқитувчининг Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» материалларини ўзлаштиргани ҳамда ихтисослиги бўйича билим даражаси, янгича фикрлаш ва педагогик муаммоларга ижодий ёндашиш қобилияти махсус психологик ва умумпедагогик тестлар ёрдамида аниқланади.

Танлов 1998 йил 10—20 август кунлари ўтказилади.

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, О. Бобожонов кўчаси, 20-уй.**

**Транспорт: 85, 100, 10, 14-автобусларнинг Шимолий олмазор бекати.**

## Xullas...

### АЖАБ ЭМАС!

Уфалик Рима Саторова деган аёл бир йўла уч эгизак туғди: бир қиз ва икки ўғил. Э-ҳе, бунинг учун аёл турмуш ўртоғи билан қанча вақтлар даволанмади дейсиз? Эр-хотин Рима ва Рушан Сатороварнинг фарзандсизлигига кипрлик ва уфалик врачларнинг узоқ муддатлик даволаш ишлари чек қўйди.

Уфада уч эгизакка она бўлиш бахтига 1996 йил Катя Шевелева деган аёл эришганди. Ушанда Россия Президентини сайлаш арафаси бўлиб, ёш она Борис Ельцин учун овоз берганди. Катянинг танмаҳрами Павел эса учала ўғлига уч сиёсатчи — Борис Ельцин, Александр Лебед, Григорий Явлинскийларнинг исмини қўйган. Шу ниятдаки, балки бу чақалоқлар улғайиб, ҳукумат бошлиқлари бўлиб кетишар!

### ХОНАКИ ИТ ПУЛГА КЎМИЛАДИ

Пул ишлаб топишнинг усули кўплигини айтмайсизми: кимдир дуога қўл очиб, тиланчилик қилса, бошқаси кўчада доира ёки аккордион чалиб туради. Оёғининг тагида пул ташлаш учун бўш қути...

Германиянинг Голландия билан чегарадош туманларидан бирида яшовчи Биндельс деган киши «бизнес»нинг антиқа усулини ўйлаб топди.

Уй ҳайвонларини кўмиш бюроси Биндельсга катта даромад келтирмоқда. У махсус тобут қўйиладиган арава, юк ташувчилар, от-арава ва улкан холодильникка эга. Ўлган ит, мушук, қуш ва бошқа хонаки ҳайвонлар ветеринар кўригидан сўнг, «видолашув» дақиқасига қўйилади. Шунда ҳайвон эгалари, албатта, Бендельснинг бюросига қадам ранжида этмай иложлари йўқ. «Видолашув» нархи немис пулида 250-300 марка.

Халқаро ташкилот — НАТОда ишловчи америкалик ходимнинг рафиқаси ўлиб қолган итини АҚШга жўнатиш ва кўмиш харажатлари учун 5000 доллар сарфлади.

### «ҚИЗИЛ» НАРСА — СОҒЛИК ГАРОВИ

«Агар соғлом бўлишни истасанг, қизил рангдаги егулик ва ичкиликларни мумкин қадар кўпроқ истеъмол қилишинг керак» дейишади французлар. Уларнинг дастурхонига разм солсангиз, албатта, помидор, қизил сабзи, қизил гармдори, қондан тайёрланган колбаса ва қизил вино. Қизил рангдаги бу озиқ-овқатлар юрак-қон томир касалликларига йўл қўймас экан.

### ҚУТИЛАРДАН ОРКЕСТР

Биз бўшаган кофе, консерва идишларини улоқтириб юборамиз. Киров вилоятидаги посёлкалардан бирида яшовчи болалар бундай идишлардан анчасини уста Сергеевга йиғиб беришди. Гап шундаки, вилоятдаги эгизак болаларнинг «Икки томчи» ансамбли раҳбари Н. Трушкова бу «инструмент»лар («асбоб»лар) асосида ўзига хос оркестр яратишга қарор қилди. Бунинг учун хафсала ва ўқув керак бўлди, холос. Доира эски будильник қўнғироғидан ясалди. Трушковнинг орзуси: бу «асбоб»лар воситасида ҳалқ қўшиқлари ижро этилса...

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
**Зубайда УСМОНОВА,**
Абдураҳмон ЖЎРАЕВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-098. Тиражи 43.795. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.30. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6